



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2015 йил 21 МАЙ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 105 (12.918)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



«Ўзэкспомарказ»да
Машинасозлик,
электротехника ва
авиация саноатини
ривожлантириш,
маҳсулотларни
стандартлаштириш
масалалари
комплексининг
тармоқ саноат
ярмаркаси очилди.



МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ВА КООПЕРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА



Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш чўқулаштириш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш иқтисодий тараққиёт ва таркибий ўзгаришларнинг муҳим омилдир. Сўнгги йилларда мамлакатимизда бу борада салмоқли натижаларга эришилмоқда. Саноат ишлаб чиқариши ҳажмида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар улushiнинг ортиб бораётгани бунинг ёрқин тасдиғидир. Ушбу кўрсаткич 2005 йилда 9,2 фоиз бўлган бўлса, 2014 йилда қарийб 20 фоизни ташкил этди.

Президентимизнинг шу йил 11 февралдаги тегишли қарори билан тасдиқланган 2015-2019 йиллар учун тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш ҳисобидан иқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўйича импорт ҳажмини қисқартиришнинг янги йўналишларини белгилаб берди.

Маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишда тармоқ саноат ярмаркалари муҳим ўрин тутмоқда. Айнан шу ерда мамлакатимиз тадбиркорлари ва хориқлик ишбилармонлар учрашиб, таъриба ва фикр алмашмоқда, режалар тузмоқда, истикболда амалга ошириладиган ишлар ва ҳамкорликдаги лойиҳаларни ўрғаниб чиқаётди. Машинасозлик, электротехника ва авиация саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш масалалари комплексининг тармоқ саноат ярмаркаси ҳам бунинг ёрқин далилидир.

2014 йилда тармоқ саноат ярмаркасида 135 корхона иштирок этиб, минг турдан ортқ маҳсулотларни тақдим этган эди. Уларнинг 80 тури Маҳаллийлаштириш дастури бўйича ўзлаштирилган янги маҳсулотлардир. Тадбирда 2,5 мингга яқин киши, жумладан, хориқий фирма ва компанияларнинг вакиллари иштирок этиб, саноат кооперацияси асосида маҳсулот етказиб бериш бўйича 150,6 миллиард сўмлик шартномалар имзоланган. Экспорт шартномаларининг қиймати эса, 3 миллион долларни ташкил қилган эди.

Жорий йилги тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида машинасозлик, электротехника ва авиация саноати, маҳсулотларни стандартлаштириш соҳасининг қарийб 170 корхонаси 1,2 минг турдан ортқ маҳсулотини тақдим этмоқда.

Мамлакатимиз автомобиль саноати корхоналари кенг турдаги экспозицияси билан иштирок этаётди. «Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясининг маҳаллийлаштириш бошқармаси бош мутахассиси Сардор Жоназаровнинг сўзларига кўра, тармоқнинг ўттиздан зиёд корхонаси 320 дан ортқ турдаги саноат маҳсулотларини, халқ истеъмоли товарлари, шунингдек, ўзлаштириш учун тақлиф этилаётган буюмларни намойиш қилмоқда.

Чунончи, «GM Uzbekistan» заводи «Nexia», «Lacetti», «Orlando», «Malibu» ва бошқа русумдаги автомобилларни, Самарқанд автомобил заводи эса юк автомобиллари ва автобусларни намойиш этмоқда. Жумладан, шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчи

ташишга мўлжалланган «Samauto LE60» автобуси саноат форумининг эътиборга лойиқ янгилигига айланган. «MAN Auto-Uzbekistan» кўшма корхонаси мамлакатимиз махсус техника ишлаб чиқариш соҳасининг юксак салоҳияти ва имкониятини, омма эътиборига ҳавола қилмоқда. Корхонада ишлаб чиқарилаётган шторли фургонлар, ўриндиқли тягачлар, самосваллар, автокранлар, турли вазифани бажарадиган йўл машиналарига ички ва ташқи бозорда талаб юқори.

Бу ерда намойиш этилаётган хилма-хил енгил ва юк машиналари, автобус ва махсус техникалар мамлакатимиз автомобиль саноатининг юксак салоҳиятидан далолат беради. Автомобилсозлик саноати корхоналари жаҳон стандартлари асосида маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги турдаги товарлар тайёрлашни ўзлаштириш имконини берадиган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

«Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компанияси корхоналари экспозицияси ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. «Artel» савдо белгиси остидаги компаниялар гуруҳи «Shivaki» русумидаги замонавий совутич, телевизор, микротўқинли печ, кир ювиш машиналари, янги турдаги мобил телефонлар, сув иситиш мосламаларини намойиш қилмоқда. Самарқанддаги «Sino» акциядорлик жамияти янги турдаги совутиш ускуналари, «Zenith Electronics» кўшма корхонаси эса компьютерларнинг тизимли блоклари тақлиф этмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ТИНЧЛИК БОР ЖОЙДА ТАРАҚҚИЁТ БЎЛАДИ

Президентимиз
Ислом Каримовнинг 9 май –
Хотира ва қадрлаш кунини
муносабати билан оммавий
ахборот воситалари вакиллари
билан суҳбатда билдирган
фикрлари катта қизиқиш билан
ўрганилмоқда

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани Юзрабод маҳалласида ўтказилган тадбирга Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фронти фахрийлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёшлар тақлиф этилди. Тадбирда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалаш, аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш, ёшларга таълим-тарбия бериш, жамиятимизнинг барча соҳаларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Мамлакатимизда кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик, фермерлик тобора ривожланмоқда. Халқимизнинг яратувчилик ва бунёдкорлик салоҳияти юксалмоқда. Бундай уюлқлар замирида юртимиздаги тинчлик-тотувлик, ўзаро ҳамжихатлик муҳити муҳим роль ўйнамоқда.

Унга яқин миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ яшаётган Юзрабод маҳалласида бу борадаги вазифаларни ҳаётга татиқ этишда давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик ўз самараларини бераётди. «Оила – мактаб – маҳалла» концепцияси асосида ёшларга жаҳон андозлари даражасида таълим бериш, ўсиб келаётган авлодни миллий қадриятларимизнинг давомчилари этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Бугунги фаровон замонамизнинг қадрини ҳеч нарса билан қийслаб бўлмайди. Буларнинг асосида тинчлик деб аталган бебаҳо неъмат мужассам, – дейди Юнус ота Азимбоев. – Тинчлик бор жойда тараққиёт, юксалиш бўлади. Президентимиз Хотира ва қадрлаш кунини оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда бугунги глобаллашув даврида тинчликни асраш, қадрига етиш хусусида билдирган фикрларида катта ҳикмат бор. Унинг мазмунини теран англаш, ёшларга чуқур ўргатиш, ўсиб келаётган фарзандларимизни бугунги эзгу ишларимизнинг муносиб давомчилари этиб тарбиялаш барчамизнинг эзгу вазифамиздир.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги бошқа маҳаллаларда ҳам ушбу мавзуда учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ташаббуси билан таълим муассасалари ўқувчиларининг вилоятдаги тарихий обидалар ва муқаддас қадамжоларга саёҳати уюштирилди.

● Қашқадарёда «Юксак маънавиятли авлод» республика ёшлар фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Фестивалнинг вилоят босқичида 14 ёшдан 25 ёшгача бўлган 260 иқтидорли ўғил-қиз «Мустақиллик тарихи билимдони», «Президентимиз асарлари билимдони», «Юксак маънавиятли авлод», «Ўз асарларида миллийликни акс эттирган rassom», «Ўз асарларида миллийликни акс эттирган дизайнер», «Бадий ижод», «Ватан куйчиси», «Энг иқтидорли хунарманд» каби номинациялар бўйича ўз истеъдодини намойиш этди.

● Нукусда 2000-2001 йилларда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасида турон яккакураши бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.

● Фарғона шаҳрининг Аҳмад Фарғоний номидаги истироҳат боғида «Оталар чойхонаси» фойдаланишга топширилди.

● Андижонда товарларни кимёвий таркиб асосида синфлаш ва сертификатлаш муаммолари ҳамда истикболларига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

● Бахмал туманининг Новқа зиёратгоҳида «Аждодлар мероси – келажак пойдевори» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Бермуд оролларида «Norwegian Cruise Line» компаниясига тегишли саёҳат кемаси саёзликка ботиб қолди. У Бостонга кетаётган вақтда ана шундай муаммага дуч келган. Воқеа юз берган вақтда кемада 3737 нафар одам бор эди. Шундан 2675 нафари йўловчилардир. Айни пайтда лайнерни саёзликдан чиқариб олиш учун тегишли чоралар кўрилмоқда.

● Италиянинг «Alitalia» авиакомпанияси 2017 йилнинг январь ойидан эътиборан «Air France-KLM» (Франция/Нидерландия) авиакомпанияси билан ҳамкорликни тўхтатмоқчи. Икки йирик авиаташувчи ўртасида имзоланган шериклик тўғрисидаги шартноманинг амал қилиш муддати айнан шу даврда ниятсизга етди. Шундан сўнг «Alitalia» мутасаддилари алоқаларни давом эттириш ниятида эмасликларини билдиришган.

● Ҳиндистонда темир йўл транспорт ҳодисаси рўй берди. Мамлакатнинг Уттар-Прадеш штатида йўловчи поезде трактор билан тўқнашиб кетган. Оқибатда 10 киши ҳаётдан кўз юмди, 33 нафар одам турли даражада тан жароҳати олди.

САМАРАЛИ БОШҚАРУВ СОҲАСИДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат соҳасида «Microsoft» корпорацияси билан ҳамкорликда самарали бошқарув соҳасида инновацион ечимларга бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинарда бошқарув соҳасида замонавий ечимлар, ихтисослаштирилган локал ҳисоблаш тармоқлари ва маълумот узатиш каналларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш масалалари муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида ахборот соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва ижтимоий соҳага ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва янада ривожлантиришга хизмат қилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада

ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори мамлакатимиз ахборот ресурслари, тизимлари ва тармоқларини яқин келажакда ривожлантириш стратегияларини белгилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

«Microsoft» вакиллари мамлакатимиз Миллий ахборот-коммуникация тизимини жадал ривожлантириш самаралари хусусида маълумот берилди. Чунончи, жорий йилнинг биринчи чорагида тақдим этилган юқори технологияли хизматларнинг ўсиш суръати 24,7 фоизни ташкил қилгани қайд этилди. Юртимизда халқаро ахборот тармоқларида фойдаланишнинг умумий тезлиги секундига 19 Мбитдан ошди. Айни пайтда интернет операторлари ва провайдерлар учун тарифлар босқичма-босқич пасайтирилмоқда. Бу пировардида ин-

тернетдан фойдаланувчилар сонининг ўсишига олиб келаётди. Хусусан, жорий йилнинг бошида мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар 10,2 миллион кишига етди.

Ягона интерактив давлат хизматлари портали жадал ривожланмоқда. Портал орқали фуқаролар ва тадбиркорларга 235 турдаги интерактив хизматлар кўрсатилаётди. Шунингдек, «Е-ХАТ» идоралараро ҳимояланган электрон почта хизмати ҳам фаол ривожлантирилмоқда.

Ўзбекистонда юқори технологиялар соҳасини ривожлантириш кўрсаткичлари билан танишдик, – деди ЎЗА мухбирига «Microsoft» корпорациясининг Кавказорти, Марказий Осиё минтақалари, Мўғулистон, Беларусь ва Молдова бўйича бош директори Пилар Торрес. – Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани ҳар қанча эътирофга муносибдир. Компаниямиз Ўзбекистонда юқори технологиялар соҳасини янада ривожлантириш, жумладан, турли тармоқлар ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида ўзбекистонлик шериклар билан мустаҳкам ҳамкорлик қилиш ниятида.

Семинарда «Microsoft» вакиллари давлат активларини самарали бошқариш, давлат сектори учун дастурий ишланмалар бўйича корпорация таърибаси хусусида сўзлаб берди.

Бобур ОБИДОВ



«Ўзэксспарказ»да VIII Инновацион Ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси давом этмоқда. Ярмаркада ишлаб чиқаришнинг автоматлаштириш ва оптималлаштириш, ресурс тежаш, маҳаллий хомашдан фойдаланиш, маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, импорт ўрини босиш ва экспортни кенгайтиришга йўналтирилган беш юзга яқин инновацион технология ва лойиҳалар тақдим этилган. Улар саноат ва қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, ахборот технологиялари, энергия тежайдиган технологиялар, илм-фан ва таълим соҳаларини қамраб олган.

Сарвар Ўрмонов олган сурат

ЭЪТИБОР ВА САМАРА

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази, БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган семинарда ана шулар ҳусусида сўз юритилди дея хабар беради ЎЗА мухбири.

Унда сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институт, Ўзбекистон Нодавлат нотариат ташкилотлари миллий ассоциацияси, хотин-қизлар жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Тадбирда Пекин шаҳрида хотин-қизлар аҳоли бўйича ўтказилган «Тенглик, ривожланиш ва тинчлик» мавзусидаги умумжаҳон конференцияси, мазкур анжуманда қабул қилинган Пекин декларацияси ва Хотин-қизлар аҳолини яхшилаш бўйича ҳаракатлар платформаси доирасида амалга оширилган ишлар ҳусусида маълумот берилди.

Пекин декларациясида аёлларнинг ижтимоий, маданий-маърифий, соғлиқни сақлаш, иқтисодий, ҳуқуқ, хавфсизлик, медиа соҳаларида аҳоли каби энг муҳим 12 йўналиш қамраб олинган.

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш, иқтисодий, ҳуқуқий билим ва алоҳиятини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жиҳатлар халқаро миқёсда ўтказилаётган нуфузли анжуманлар, йирик форумларда ҳам алоҳида эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Г.Маъруфова, Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази директори Д.Кобулова, Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази директори М.Каттахўжаева, «Олима» уюшмаси раиси Р.Муртазоева ва бошқалар оила, оналик ва болалик манфаатларини таъминлаш, хотин-қизларга муносиб таълим, меҳнат, турмуш шароитларини яратиш масаласи Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотларда устувор аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони хотин-қизлар манфаатларини таъминлашга оид чора-тадбирларни замон билан ҳамнафас тарзда олиб боришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

2014 йилдан бошлаб БМТ томонидан Пекин конференциясида қабул қилинган халқаро ҳужжатларнинг ижросини таҳлил этиш ва ўрганиш юзасидан амалий ишлар олиб боришмоқда. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали мамлакатимизда хотин-қизлар аҳолини яхшилаш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан Миллий маъруза тайёрлаб, тақдим этилди. Фаолияти аёллар масалалари билан боғлиқ нодавлат нотариат ташкилотлари вакиллари халқаро миқёсдаги йирик анжуманларда иштирок этиб, дунё жамоатчилигини Ўзбекистонда хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир ишлар ва унинг самаралари билан батафсил таништирмоқда.

Тадбирда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини янада ошириш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирларнинг халқаро нормаларга тўла мослиги алоҳида қайд этилди.

Халқимизда азалдан ёш авлодга яхши тарбия бериш, уларни билимли, ҳунарли ёхуд бир касбни эгаллаган баркамол инсон этиб вояга етказишга интилишдек яхши бир анъана борки, у ҳамон давом этиб келмоқда. Бу бугунги кунда ёшларга берилаётган эътибордан ҳам кўриниб турибди. Ўсиб келаётган авлодни етук инсон этиб камол топтириш, уларни касб-ҳунар эгаллашга йўналтириш, бандлигини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ёшлар — келажагимиз

БИТИРУВЧИЛАР ТАДБИРКОРЛИККА ЖАЛБ ЭТИЛМОҚДА

Зеро, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг мукамал билим олиб, келажақда етук инсон бўлиб етишишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Катта ҳаётга қадам қўяётган ёш авлоднинг камол топиши ва мустақил ҳаёт бошлаши, келгусида ўз касб-ҳунарига эга бўлиши ва жумладан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун барча имкониятлар мавжуд.

Мана шу яратилаётган имкониятлар билан ёшларни таништириш, уларни тадбиркорликка, ўз бизнес фаолиятларини бошлашга кенг жалб этиш мақсадида мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида пойтахтимиз туманларида турли-туман тадбирлар, давра суҳбатлари, семинар ва учрашувлар ташкил этилаётди.

Тадбирларга академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари тақлиф этилиб, уларга мутасадди ташкилотлар вакиллари томонидан тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, яратилган имкониятлар, улардан унумли фойдаланиш, кредит олиш ва бошқа йўналишларда йўл-йўриқлар кўрсатилиб, керакли тавсиялар берилмоқда.

Юнусобод тумани ҳокимлигида бўлиб ўтган семинарда ҳам шулар ҳусусида сўз юритилди. Туман солиқ инспекцияси, бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, тижорат банклари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси Тошкент шаҳар ва туман бўлинмаси ва

киллари иштирок этган тадбирда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига ёш тадбиркорларга яратилган имкониятлар, банклар томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар, коммунал, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардаги имтиёзлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Бугунги кунда тижорат банклари томонидан ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, кичик бизнес субъектлари, таълим муассасаларини битирувчи ёшларнинг бизнес режаларини имтиёзли шартларда кредитлаш, оилавий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Тадбиркорликка бўлган қизиқишим мазкур тадбирдан сўнг янада ортди, — дейди Юнусобод компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи битирувчиси Жамшид Нуриддинов. — Ўз бизнес фаолиятини бошлаш ҳақида жуда кўп ўйлардим юрагим дов бермасди. Семинарда иштирок этган мутасадди соҳа вакиллари чикишларида сўнг ёш тадбиркорларга қўллаб-қувватлаш ва имкониятлар борлигини билиб олдим. Энди бизнес режамни ишлаб чиқиш ҳақида банкдан кредит олиб, иш бошлашга ҳаракат қиламан.

Амалга оширилаётган бу каби ишлар ёшларнинг жамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллашда ҳамда турмуш фаровонлиги, аҳоли бандлиги ва янги иш ўринларининг ташкил этилишида муҳим аҳамият касб этади.

Абдуалим САЛИМОВ



Милл Габдуллаев олган суратлар

трактори, тиркамали озуқа ўриш комбайни, органик ўғит сочадиган техника, механик курак ва бошқа зарур техникалар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржасининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розуқов сўзга чиқди.

Мехрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ВА КООПЕРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компаниясининг маркетинг, ишлаб чиқариш, экспорт салоҳиятини ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Хўриш Юсуповнинг сўзларига кўра, жорий йилда тармоқ саноат ярмаркасида 12 корхона 30 турдан ортиқ янги саноат маҳсулотлари, маъиш техника ва мобил телефонларни намойиш этмоқда. Яқин келажақда соҳа корхоналари янги турдаги телевизорлар, натрий-кальцийли шишадан буюм ва идишлар, маъиш ёриткичлар, ичимликларни совутиш ускуналари, электр сув иситиш мосламалари ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

Тармоқ саноат ярмаркаси қишлоқ хўжалиги машинасозлигининг сўнгги ютуқлари билан танишиш имконини бермоқда. «Ўзагросаноатмашхольдинг» акциядорлик-хольдинг компанияси таркибидagi корхоналар мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган сифатли ва юқори самарали техникаларни намойиш қилмоқда.

Жумладан, агрегат заводи 11 турдаги техника, жумладан, сеялка, парракли пуркагич, роторли ўроқ ва майдала-

гич, минерал ўғит сочадиган техникаларни тақлиф этмоқда. «Технолог» акциядорлик жамияти эса сув ва қўм сепиш ускуналари, самосвал кузовлари ва пайвандлаш асбоб-ускуналарини намойиш қилмоқда. «Uz CLAAS Agro» ва «Lemken Chirchik» қўшма корхоналарининг қишлоқ хўжалиги техникалари иштирокчиларда катта таассурот қолдирмоқда.

«Ўзагросаноатмашхольдинг» акциядорлик-хольдинг компанияси маълумотларига кўра, ўтган йилги саноат форумида қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари қишлоқ хўжалиги техникаси ва бўғловчи қисмлар етказиб бериш бўйича умумий қиймати 168 миллиард сўмлик 70 дан ортиқ шартнома имзолаган. Жорий йилда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини кенгайтириш ҳисобидан 100 дан ортиқ шартнома имзоланишни режалаштирилмоқда. Яқин келажақда соҳа корхоналари томонидан маҳаллийлаштириш дастури асосида универсал ишлов бериш

Миллий матбуот марказида «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компаниясида қайта суғурталаш сиёсати ва унинг компания молиявий барқарорлигига таъсирига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

«Ўзагросуғурта» компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари Ихтиёр Нурмухамедов ва бошқалар мамлакатимизда суғурта соҳасини тақомиллаштиришга йўналтирилган изчил ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2008 йил 21 майда қабул қилинган «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бунда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

«Ўзагросуғурта» компанияси мамлакатимиздаги етакчи суғурта компанияларидан бири бўлиб, юридик ва жисмоний шахсларга суғуртанинг бир неча тоифаси бўйича юздан ортиқ суғурта хизмати кўрсатиб келмоқда. Корхона ва ташкилотлар ҳамда аҳоли мулкчини, транспорт воситаларини суғурталаш, ихтиёр-тиббий суғурталаш, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик

ҚАЙТА СУҒУРТА — МИЖОЗЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

жавобгарлигини мажбурий суғурталаш, қишлоқ хўжалиги экинларининг бўғуси ҳосилини суғурталаш шулар жумласидандир.

Аҳолига кўрсатилаётган суғурта хизматлари, жумладан, қайта суғурталаш қалтислиқни қабул қилиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тизими бўлиб, суғурта операциялари молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида қабул қилинган хавфнинг бир қисmini ўзаро келишилган ҳолда бошқа суғурталовчига бериш тушунилади.

— Қайта суғурталаш шартномалари бир томондан суғурта компаниялари

ўртасида ўзаро тузилиши ёки қайта суғурта брокерлари хизматидан фойдаланилган ҳолда тузилиши мумкин, — дейди компания ахборот хизмати ходими Дилобар Мухаммаджонова. — Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, қайта суғурта қилишда суғурта тоновини ёки суғурта пулини тўлаш учун асосий суғурта шартномаси бўйича суғурталовчидан олдида ушбу шартнома бўйича суғурта компанияси жавобгар бўлиб қолаверди. 2013-2015 йилларда компаниямиз 26 суғурта компанияси, тўртта суғурта брокерлари ва хорижий қайта суғурта брокерлари билан ҳамкорлик шартномаларини тузди. 2014 йилда бошқа суғурта

компанияларидан мингдан зиёд ва жорий йилнинг ўтган даврида беш юз эликдан ортиқ йирик қалтислиқлар бўйича суғурта мажбуриятлари олинди. Компания 2014 йилда 10 миллиард сўмдан зиёд суғурта тоновини қайта суғурта тўловларига тўри келди.

«Ўзагросуғурта» суғурта компаниясида ихтисослашган департамент ташкил этилган бўлиб, улар «Кирувчи» қайта суғурта йўналиши бўйича фаолият юритмоқда. Бунда суғурта бозоридagi компаниялар тақлиф этган қалтислиқларни тўғри баҳолаган ҳолда йирик қалтислиқларни қайта суғуртага қабул қилиш, хавфлилик даражаси юқори бўлган қалтислиқларни ички суғурта бозорида жойлаштириб бориш доимий эътиборда. Улар хорижий мамлакатларнинг тажрибасини кузатиб, ходимларнинг малакасини ошириш мақсадида чет эл суғурта ва қайта суғурта компаниялари томонидан ташкил этиладиган семинар ва ўқув тренингларда мунтазам иштирок этишмоқда.

Сайёра ШОЕВА

ЯПОНИЯЛИК ОЛИМЛАР ЎЗБЕКИСТОННИНГ БОЙ ТАРИХИ ҲАҚИДА

Япониядаги «Ришшо» университетиди Кунчиқар мамлакат тадқиқотчилари томонидан Ўзбекистонда олиб борилаётган археологик қазилма ишлари мавзусига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ушбу тадбир доирасида ташкил этилган Сурхондарё вилояти тарихи ҳамда унинг археология ёдгорликлари тақдироти чоғида Қоратепа, Фавзтепа, Далварзиптепа ва Зартепа сингари шаҳарчалардаги қадимги буддавийлик ёдгорликлари оид маълумотлар мулоқотларнинг асосий мавзуси бўлди.

Маълумот тарихида шуни қайд этиш керакки, «Ришшо» университети (Rishso University) Япониядаги энг қадимги таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. Унга 1872 йили асос солинган. Ушбу олий ўқув юрти 20 та факультетни, 15 та тадқиқот институти ва марказларни ўз атрофида бирлаштирган. «Ришшо» университетиди 12 минг нафар талаба тахсил олади. У хорижий мамлакатларда фаолият кўрсатадиган 40 та олий ўқув юрти билан ўзаро шериклик алоқаларини йўлга қўйган.

Япония университетларининг профессор ва тадқиқотчилари, илмий-академик доиралари вакиллари иштирокида ўтган мазкур тадбир чоғида қайд этилганидек, Ўзбекистоннинг бой тарихи ўз илдизлари билан минг йилликлар қаърига бориб туташади. Асрлар давомида Ўзбекистон ҳудуди кўпгина миллатлар, диний дунёқарашлар, анъана ва маданиятларнинг ўчоғи бўлган. Ўзбек заминидagi кўпгина археология ёдгорликлари ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

«Жаҳон» ахборот агентлигининг мухбири тадбирнинг айрим иштирокчилари билан давра суҳбати якуни бўйича мулоқотда бўлди.

— 2014 йили олий ўқув юртимиз Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим имзолади, — дейди «Ришшо» университети профессорлари Харухи Ясуо. — Биз яқинда Термиздаги Қоратепа шаҳарчасида қўшма археологик қазилма ишларини олиб бордик. Бундан қўзланган мақсад қазилма ишлари маълумотлари асосида қадимги халқлар маданиятининг бирикуви кузатишга Қоратепа орқали буддавийликнинг Шарқда тарқалиши тарихини очиб беришдир.

Бизнинг ўзаро ҳамкорликдаги ишларимиз Ўзбекистоннинг кўнча тарихи ва маданиятини тадқиқ этишда муҳим натижалар беради ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларнинг мустаҳкамланишига ҳисса қўлади, деб умид қиламан.

— Мен Сурхондарё вилояти ҳудудидagi археологик қазилма ишларида иштирок этиб келаётганимга 25 йилдан ошди, — деди япон археолог олим, «Дўстлик» ордени соҳиби, Термиз шаҳрининг фахрий фуқароси Кюдзо Като. — Сурхондарё мейморилик ёдгорлиқлари ўзбек халқининг ноёб ва ривожланган тарихи илдизлари жуда чуқур характерга эга эканлигини тасдиқламоқда. Маданиятлар ва динлар чорраҳасида бўлган ўлкангиз бутун минтақанинг ривожланишида муҳим ўрин тутиган.

Ўзбекистонда буюқ аждодларнинг муҳим маданий мероси авайлаб асралаётгани баробарида археология ёдгорликлари ўрганишга ҳам катта эътибор қаратилаётгани қувонарли ҳолдир.

«Жаҳон» АА,
Токио

КИЧИК БИЗНЕС РИВОЖИДА МУҲИМ ОМИЛ

Чилонзор тумани ҳокимлигида тадбиркорлик субъектларининг шикоятлари ва муаммоларининг амалда ечилишини таъминлашга қаратилган очиқ мулоқот ўтказилди.

Туман ҳокимлиги томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг туман ахборот-маслаҳат маркази, прокуратура, солиқ ва бошқа мутасадди идоралар вакиллари, тижорат банклари ходимлари ҳамда тадбиркорлар иштирок этди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида юртимизда ишлаб чиқариш ривожланиб, маҳсулотлар рақобатбардошлиги ортди ва экспорт кўлами кенгайди. Тадбиркорликни ривожлантириш билан бирга уларнинг мавжуд муаммоларини ўрганиш ҳамда жойида ҳал қилиш борасида ҳам бир қатор ишлар олиб боришмоқда.

Хусусан, пойтахтимиз туманларида тадбиркорлар ва мутасадди идоралар вакиллари иштирокида турли тадбирлар, давра суҳбатлари, семинар ва учрашувлар ўтказилаётди.

Мазкур тадбирдан қўзланган мақсад ҳам бугунги кунда тадбиркорлик субъектларида учраётган муаммоларни назорат қилувчи орган ва идоралар томонидан тезкорлик билан ҳал этиш, уларнинг фаолиятини ривожлантиришга қўмаклашиш ҳамда соҳага оид қабул қилинаётган қарорлар моҳиятини тушунириш, шунингдек, уларнинг ижроси бўйича амалга ошириладиган ишлар ҳақида тадбиркорларга маълумотлар беришдан иборатдир.

— Назорат қилувчи органлар томонидан қонунчиликка риоя этилиши прокуратура идоралари томонидан тизимли равишда ўрганиб боришмоқда, — дейди Тошкент шаҳар прокуратурасининг Суд қарорларини ижро этишда ва қамқоқ олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан назорат бўлими бошлиғи Жаҳонгир Усманов. — Аниқланган ҳар бир қонунбузилиш ҳолатлари бўйича тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилмоқда. Биргина жорий йилнинг ўзида шаҳар прокуратураси органларининг «ишонч телефонлари»га 150 га яқин мурожаатлар келиб тушган. Ушбу мурожаатлар алоҳида назоратга олиниб, қисқа вақт мобайнида қўриб чиқилди. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашуш ва ҳуқуқларининг бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан қонунда белгиланган маъмурий чоралар қўрилди.

Йилгилида тадбиркорлик субъектларида учраётган муаммоларнинг назорат қилувчи орган ва идоралар томонидан тезкорлик билан ҳал этилишини таъминлаш, уларнинг фаолиятини ривожлантиришга ҳар томонлама қўмақ бериш каби масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Қизгин савол-жавобларга бой бундай очиқ мулоқотларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун фойдаси жуда каттадир.

Абдували СОДИҚОВ

Мулоҳаза учун мавзу

Дарҳақиқат, ободлик кўнгилдан бошланади, деган сўзлар замирида чуқур маъно мужассам. Кўнгилдан қилинган ҳар қандай эзгу иш инсон ҳаёти ва маънавиятини безайди...

Мустақиллик шарофати билан Юртбошимиз раҳнамолиги ва ташаббуси билан пойтахтимиз қиёфаси бутунлай ўзгариб, замонавий мегаполис шаҳарга айланди, тобора чирой очиб, гўзаллашиб, обод ва кўкнамзор бўлиб бормоқда. Азим шаҳримизнинг турли гушаларида янги-янги иншоотлар барпо этилиб, кенг кўламдаги ободонлаштириш ишлари олиб бориляпти.

Шу кунларда шаҳримизнинг барча туманларида бундай ишларга бирламчи масала сифатида қаралаяпти. Ўтаётган баҳор ойлари мобайнида маҳалла, корхона ва муассасалар жипслигида кўкнамзорлаштириш ва орасталаш ишлари амалга оширилмоқда. Кўчаларимиз ёқалари, корхона ва муассасалар ҳовлилари, маҳалла-қўйда кўплаб дарахт ва гуллар экилиб, парвариш қилиняпти.

Энг муҳими, ҳукуматимизнинг доимий эътибори ва катта мадади туфайли пойтахтимиз тозалигини таъминлаш йўлида махсус тизим ишлаб турибди. Бу борада шаҳар «Махсустранс» давлат ишлаб чиқариш бошқармасининг муносиб ҳиссаси бор, албатта. Ушбу бошқарманинг замонавий машиналари шаҳримиз мавзе ва қаҳалари, маҳаллаларига катъий жадвал асосида узлуксиз қатнаб, чиқиндиларни олиб кетади.

Ахир, шаҳримизда бир кеча-кундузда ўрта ҳисобда 1.800 – 2.000 тонна маиший чиқинди тўпланади. Улар турар жой мавзеларида ташкил этилган 860 та кўрикланадиган ва 283 та модуль туридаги махсус майдонда ҳамда 476 та маҳаллалардан олиб кетилиб, зарарсизлантирилади.

Ҳозирги кунда туман автотранспорт корхоналарида 371 та махсус чиқинди ташувчи автомобиль мавжуд. 2012 – 2014 йилларда лизинг асосида жами 27 миллиард сўмлик 171 дона «МАН» ва «Исузу» русумли техника воситаси харид қилинди.

«Махсустранс» давлат ишлаб чиқариш бошқармасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 2014 йилдан жами 76 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги янги лойиҳа татбиқ этила бошлади. Унинг асосий қисми Осиё Тараққиёт Банкининг инвестицияси ҳисобидан молиялаштирилмоқда. Бу маблағнинг режалар тарзда сарфланиши кўзда тутилган. Унинг ҳисобидан шаҳримизда 350 та чиқинди йиғиш майдончасини қуриш, 340 та майдонча реконструкция қилиш, Яккасарой ва Юнусобод туманларидаги чиқиндиларни қайта юклаш шохобчаларини тўлиқ янгилаш ишлари амалга оширилади. 200 та замонавий махсус техника воситаси ва 13 минг 500 та чиқинди контейнери харид қилинади. Бундан ташқари, шаҳримизнинг чиқиндилари чиқариб ташланадиган Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги 59 гектарлик чиқиндихона ҳудуди яна 30 гектарга кенгайтирилиб, бу майдонда чиқиндиларни халқаро талаблар даражасида рекултивация қилиш полигони бунёд этилади.

Шаҳримизда аҳолига хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш мақсадида чиқиндиларни ташишга ихтисослаштирилган 47 та муқобил компания ҳам фаолият олиб борапти. Ушбу компанияларга тегишли замонавий техника воситалари шаҳримиздаги 153 та маҳалланинг 900 мингга яқин хонадонига шартнома асосида хизмат кўрсатмоқда.

Шаҳар «Махсустранс» давлат ишлаб чиқариш бошқармаси томонидан 2013 – 2014 йилларда модуль ўрнига янги типдаги кўрикланадиган 200 та чиқинди йиғиш майдони қурилиб, фойдала-

нишга топширилди. Марказий кўчаларга эса янги типдаги 120 та модуль ўрнатилди. Жорий йил охиригача яна шундай мосламадан 100 тасини жойлаштириш кўзда тутилган. «Махсустранс» кредит маблағлари ҳисобидан 2000 та янги 750 литр ҳажмдаги чиқинди йиғиш контейнери харид қилиниб, чиқинди майдончаларига ўрнатилган.

Шунингдек, бугунги кунга қадар 270 та чиқинди тўплаш машинасига GPS типдаги кузатув мосламалари ўрнатилган. Бу эса шаҳар «Махсустранс» бошқармаси томонидан уларнинг иш фаолиятини мунтазам кузатиб туриш имконини беради. Хайдовчи ва юк ортувчилар махсус кийимлар билан таъминланган. Ҳозирги пайтда «Махсустранс»нинг Яшнобод тумани бўлими қошида «МАН» русумидаги машиналарга сервис хизмати кўрсатиш ва уларни таъмирлаш корхонасини ишга тушириш ҳаракатлари бошланди.

ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

Шаҳримиз экологияси ва санитар ҳолатини сақлашга барчамиз масъулмиз



Буларнинг бари шаҳримизнинг янада покиза, озода бўлиши, экологик ва санитар ҳолатининг янада яхшиланишига ўзига хос омил вазифасини ўтайди.

Бироқ озодалик – кўнгилнинг иши. Шаҳримизни тоза-озода, саранжом-саришта тутиш, уни обод қилиш, кўз қорачигидек асраш – ҳар биримизнинг бурчимиз.

Аммо, афсуски «Гуруч курмакисиз бўлмайди», – деганларидек, бошланиб келаятган ёз кунларида шаҳримиз озодалигига путур етказаятган жихатлар ҳам ҳамон учраб турибди. Ахир, тозалик, орасталик, ободлик ҳалқимизнинг қониди бор. Миллий қадриятларимиз ҳам бизни шунга ундайди. Ҳар биримиз хонадонларимизда болаликдан озодаликка ўргатилганмиз.

Шунга қарамасдан, маҳаллаларда, хусусан, кўп қаватли уйлар жойлашган ҳудудларда учраётган айрим нохуш ҳолатлар киши таъбини хира қилади.

Яширишнинг ҳолати йўқ, уйдан чиқадиган чиқиндиларни чиқиндихоналарга ташлаб келиш кўп хонадонларда болалар зиммасига юклаб қўйилган. Бола – бола-да. Баъзан у ўша чиқиндихонагача боришга эринади. Хусусан, кечкурунларги гира-шира маҳали: «Ким кўриб ўтирибди?» – дейди-да, кўчадаги дуч келган ерга – бир дарахт тагидами, шундоққина лотокларгами, ўсиб

ётган ўт-ўланлар устигами ташлайди-келади. Энди уни ҳеч ким йиғиштириб олмайдди. Эрталаб қарасангиз, ҳаммаёқ ифросланиб ётибди. Ваҳоланки, ёш болаларни кечкурун кўчага қаровсиз чиқариш тўғри ишми?

Уйдан чиққан ҳар қандай чиқинди ёзининг иссиқ кунда чириб бошлайди, турли касалликлар тарқатади. Ҳаммамиз кейин шу ҳаводан нафас оламиз.

Кўпгина ҳолларда ҳеч ким бундай болаларга, уларнинг лоқайд ота-оналарига танбеҳ бермайди. Кўрган айримлар ҳам: «Менга нима?» – деб ўйлайди. Яшириб нима қиламиз, баъзан ҳаммамизда ҳам озгина бепарволик бўлади.

Ҳолбуки, жамоат манфаатига зиён етказаятган бунга ўхшаш салбий одат, зарарли иллатларга нисбатан лоқайд бўлишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Шу маҳаллада, шу ҳудудда яшаймизми, унинг тозалиги-озодалиги, санитария талабларига жавоб бериши, орасталиги учун ҳаммамиз ўзимизни бирдай масъул ҳис қилишимиз керак. Бу ҳам – бир маданият, маънавият, экологик савияни кўрсатади.

Бола – гул. Фарзанд – ҳар биримизга ширин. Лекин ота-оналарининг айби билан кўчаларимиз,

уйларимиз атрофларига полиэтилен пакетларда чиқиндиларни ташлаб кетаётган болаларни аниқлаб, уларнинг ота-онасини тартибга чақириш, қонун доирасида уларга кескин чора кўриш йўлини ҳам тутиш лозим.

Ёки гаражлар атрофларини олайлик. Айланган киши амин бўладики, баъзи гаражлар атрофини ўт-ўлан босиб ётибди. Ўт-ўланларга эса турли чиқиндилар, хусусан, полиэтилен пакетлар ёпишиб ётади. Бундай жойлар дайди ит ва мушукларга яхшигина макон ҳисобланади. Ҳашаротлар ҳам айнан ана шу майсалар орасида кўпаяди.

Ахир, гараж ўзининики бўлса, у ерда автомобилнинг сақласанг, лоқал, дам олиш кунлари унинг атрофини тозалаб қўйиш сенинг вазифанга кирмайдими? Ёки сенинг гаражининг атрофини биров келиб тозалаб бериши керакми? Бундай ҳушманзара, биринчи навбатда, унинг ўзига зарар эмасми? Унинг таъбини тирриқ қилмайдими?

Бунинг устига, айрим фуқаролар бир-икки қадам наридаги махсус чиқиндихонага бориб ўтирмаклик учун айнан ана шу гаражлар орасидаги пана жойларга уйларида чиққан ахлатларни тўкиб кетишяпти. Айниқса, баъзан болалар ўйингоҳларига кечкурун ташлаб кетилаётган чиқиндиларга наҳотки бефарқ бўлсак?

Кўп қаватли уйларнинг биринчи қаватида турадиганлар билан суҳбатлашсангиз, уларнинг тепа қаватда турадиган баъзи кўшиларида қанчалар норози эканини билиб оласиз. Чунки тепа қаватдаги айрим фуқароларимиз мевани еб, қолдигини деразадан паства қараб отиб юборишяверади. Конфет қоғози, суюқлик идишлари, уларнинг қопқоклари, полиэтилен пакетлар, писта пўчоғи, дастурхон ушуклари, эҳ-хе, нималар ташлашмайди, дейсиз!

Аксариyat биринчи қаватда турадиганлар атрофдаги майдончаларни обод қилиб, гуллар экиб қўйишган. Шундай хушрўй манзара устига бу тариха чиқинди ташлавериш учун, билмадик, одам қай даражада маданиятсиз бўлиши керак?!

Ҳолбуки, азалий маънавиятимиздан келиб чиқсак, кўшини норизо қилиш ҳам гуноҳ саналади.

Ҳозирги пайтда шаҳримизнинг ҳар бир гушасида аҳолига турли хизматлар кўрсатиш шохобчалари мавжуд. Савдо-сотиқ дўконлари, умумий овқатланиш шохобчалари, хизмат кўрсатишнинг бошқа нуқталари бор. Шуларда меҳнат қилаётганлар атрофини тоза тутишга масъул-ку? Ахир, дўконининг атрофини ким келиб тозалаб беради? Атрофини гулда қилиб ишлаётганлар – кўп. Лекин беш қўл баробар эмас-да. Айрим дўконлар атрофида баҳорда кўкларган майсалар қуриб-қақшаб қоляпти. Бу ҳолат, табиийки, ахлат уюмлари учун тайёр жой, қолаверса ёнғин чиқиш хавфини ҳам юзага келтиради.

Шундай тартибсизлик ҳоллари ҳар қандай кишининг дилини хира қилади. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: ҳўш, жамоатчиликнинг, маҳалла-қўйнинг, фаолларнинг, шу ишга масъулларнинг ўрни қаерда? Ахир бир ёқадан бош чиқарган ҳолда бундай кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олас бўлади-ку.

Кейинги йилларда шаҳримизда ҳафтанинг ҳар шанба ва якшанбаси «Тозалик кун»и деб эълон қилинган. Тўғри, кўпчилик шу кунлардан самарали фойдаланяпти, бу доимий аънамага айланган. Ана шу дам олиш кунлари ҳамма бирдек ўзи яшаб турган ҳудуднинг тозалиги билан шуғулланса бўлади-ку.


Бинобарин, шаҳримизни ҳамиша озода тутишнинг пухта чора-тадбири ишлаб чиқилган. Лекин тизим изчил ишлаши керак. Бунинг учун барча асослар бор.

Мухтасар қилиб айтганда, ҳар биримиз учун кундалик юмуш бўлган ушбу долзарб масалага лоқайдлик билан қараш, бефарқ бўлиш мумкин эмас. Шу шаҳри азимда умргузаронлик қиламизми, шу ердан нафас оламизми, унинг ободлиги ҳам ҳаммамизга, бевосита ҳар биримизга боғлиқ.

Зеро, шаҳримиз, маҳалламиз, уйимизни ҳамиша тоза ва озода сақлаш – барчамизнинг инсоний бурчимиз эканлигини асло унутмайлик.

Шундай эмасми, азизлар?!

Олим МАҲМУДОВ



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Саранжом-саришта уйда барака бўлади.

Тўрт нарса ҳамма учун керак: саломатлик, гўзал хулқ, рост-гўйлик ва ҳалол меҳнат.

Меҳнат бизнинг замонда буюк ҳуқуқ ва буюк бурчдир. Маданият юксаклиги доимо тўғридан-тўғри меҳнатга бўлган муҳаббатда.

Меҳнатни севиш, ғайрат ва матонат билан ишлашнинг учта ширин меваси бор: биринчиси танинг саломатлиги, иккинчиси кўнгил ободлиги, учинчиси ақл ва зехннинг ортишидир.

Ҳамма нарса меҳнат шарофатидандир. Ҳамма нарса — инсон меҳнатидан.

Жисмоний меҳнат ақлий фаолият имкониятини кенгайтиради, унинг қадрини оширади, ақлий меҳнатни кучайтиради.

Меҳнат чинакам олижаноб-ликнинг ягона унвонидир.

Бахтли бўлишнинг чораси меҳнатни севиш ва роҳатини меҳнатда кўришдир.

Шон-шарафга олиб борадиган йўл — меҳнатдир.

Шундай шароитда яшаш керакки, меҳнат заруратга айлانسин.

Меҳнатсиз соф ва қувноқ ҳаёт бўлиши мумкин эмас.

Фақат меҳнатгина одамнинг қалбига тиниқлик, мутаносиблик ва ўз-ўзидан қаноат туйғусини олиб кириб уни бахтиёр қилади.

Дунёдаги ҳамма шодлик, ҳамма эзгуликларнинг манбаи меҳнатдир.

Кўнгил ғаш бўлса ишла, бу ғамдан қутулишнинг ягона воситасидир. Изтиробга тушмаслик учун ишла. Ишдан бошқа ҳеч нарса бу ғамнокликдан халос этолмайди.

Супурилмаган уйга меҳмон келади.

Қўлидан иш келмаганнинг баҳонаси кўп.


Ишқмасга иш буюрсанг сенга ақл ўргатар.

Меҳнат ила ҳал бўладур ҳар мушкул,

Коми дил меҳнат ила бўлғай ҳосил.



Олмазор туманидаги «Жийдали» маҳалласида жойлашган 17-уйнинг атрофига ташланаётган чиқинди ҳолати



Чилонзор тумани, «Оқтепа» маҳалласидаги 21-уй атрофи



Юнусобод тумани, 17-қаватдаги 21-уй олди

